

БЕШЙИЛЛИКНИНГ ЗАБАРДАСТ ОДИМИ

САНОАТ

Областа маҳсулот реализация қилиш ҳажми ва энг муҳим буюм турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик план ошириб бажарилди. Утган йилнинг биринчи ярим йиллигида нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши 10,9 процентни ташкил қилди.

1969 йил биринчи ярим йиллигида нисбатан энг муҳим саноат тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўйидаги кўпайди:

Электр энергияси	—7 процент,
Қора ва рангли металлургия	—17 процент,
Химия саноати	—13 процент,
Машинасозлик ва металл ҳайта ишлаш	—9 процент,
Ўрмон, ёғоч ишлаш ва қўғоз саноати	—12 процент,
Қурилиш материаллари саноати	—27 процент,
Енгил саноат	—3 процент,
Озиқ-овқат саноати	—8 процент,
Маданий-маиший ва уй-рўзгор буюмлари	—12 процент,

Шу ярим йиллик охирига келиб 259 саноат корхонаси планлаштириш ва иқтисодий раёбатлантиришнинг янги системаси бўйича ишлади ва уларнинг бутун саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги салмоғи 90 процентни ташкил қилди.

Айрим министрликлар ва бошқармалар бўйича маҳсулот реализация қилиш плани ва ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди:

1970 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент	1969 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент	1970 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент
СССР Қора металлургия министрлиги	103	103
СССР Рангли металлургия министрлиги	102	119
ЎзССР химия саноати бошқармаси	102	113
ЎзССР меҳёб ва ёғоч ҳайта ишлаб саноати бошқармаси	116	116
ЎзССР Қурилиш материаллари министрлиги	105	129
ЎзССР Енгил саноат министрлиги	102	105
ЎзССР Пахта тозалаш саноати министрлиги	97	98
ЎзССР Озиқ-овқат саноати министрлиги	102	109
ЎзССР Гўшт-сут саноати министрлиги	105	112
ЎзССР Маҳаллий саноат министрлиги	103	113

Область шахар ва районлари бўйича маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиши ва саноат ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди:

1970 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент	1969 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент	1970 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент
Область бўйича жами	102	110
Шаҳарлар: Тошкент	103	109
Олмалик	103	120
Ангрен	106	107
Бекобод	105	107
Чирчиқ	103	106
Янгийул	103	106
Оқуғорон	98	91
Бекобод	90	106
Вўстонлик	99	98
Бўна	95	98
Юзори Чирчиқ	107	114
Калинин	106	115
Оржоникидзе	100,6	113
Ўрта Чирчиқ	100,6	113
Янгийул	96	105

Прокат, электр энергияси, экскаватор, кўприк қранлари, махсус қранлар, тракторлар, кўрак тозалаш машиналари, цемент, газ плиталари, меҳёб, консерва ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани бажарилди ва ошириб бажарилди. Областадаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари ўтган ярим йиллик мобайнида пландан ташқари 2652 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Жумладан, қишлоқ хўжалик машиналарида 438 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берилди.

Умуман область бўйича саноат энг асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш натурал кўринишида қуйидагича бўлди:

Электр энергияси—миллиард киловатт-соат	5,5	108
Кўмир—минг тонна	1797	99,5

Тошкент области ва Тошкент шаҳри халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1970 йил биринчи ярмида бажарилиши якунлари тўғрисида Тошкент области ва Тошкент шаҳри статистика бошқармасининг АХБОРОТИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ўтган давр мобайнида область қолхозлари, совхозлари ва бошқа давлат хўжаликлари қисқа муддат ичида 1970 йил ҳосили учун баҳори экинлар экинни туғаллади. Баҳори экинлар, экин ерларнинг ҳамма қисмида бўйича, шунингдек сугориладиган ерлар бўйича ошириб бажарилди. Шу йил баҳорида қолхоз ва совхозлар 707 гектар ерда янги боғ, узумзор ва тутзор барпо қилдилар.

Давлат ва қолхозларнинг қишлоқ хўжалигига капитал маблағ сарфлашлари ўтган ярим йилда 1969 йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпайди ва 48,7 миллион сўмни ташкил қилди.

Биринчи ярим йилда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари пахта ва бошқа экинлари парвариш қилиш бўйича ишлари аж олдириб юборилди.

Июль ойининг ўрталарида келиб, ғўза қатор оралари тўрт марта ишловдан чиқарилиди, икки мартага яқин вегетация сугорилди. 2,5 баравар кўп минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Бу ишлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча тез суръатларда бажарилди. Айни вақтда қолхоз ва совхозлар бошқоқ тағла экинлари, сабзавот, картошка ҳосилини янги-терш ишларини бажаришди, дағал ҳашак тайёрлаб, силос бостиришди.

Чорвачиликни ривожлантиришда ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди. Қар бир сизирдан ўртача сут соғиб олиш кўпайди 8,3 процент, ҳар она товуқдан ўртача тухум олиш 6,1 процент кўпайди. Область қолхоз ва совхозлари шу йил йилида чорвачиликда асосий маҳсулот турларини тайёрлаш қуйидагича бўлди.

1970 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент	1969 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент	1970 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент
Сут — тонна	30747	33488
Тухум — минг дона	32097	44032
Ўғун — центнер	3899	5314

Область қолхоз ва совхозлари давлатга мол ва парранда топириш ва сотиш ярим йиллик планини 115,8 процент, тухум — 155,4 процент, ўғун — 160,7 процент, пилла — 100,9 процент бажаришди. Шунингдек, давлат дон тайёрлаш (шולי бу ҳисобга қирмайд) ярим йиллик планини бажаришди.

Шу билан бирликлда Бекобод, Янгийул, Калинин, Ўрта Чирчиқ ва Оржоникидзе районлари давлатга сут сотиш ярим йиллик планини бажаришди. Ундан ташқари айрим хўжаликлар давлатга ассортимент бўйича сабзавот топиришнинг етарлича таъминламаётирлар.

ТРАНСПОРТ

Умумий фойдаланишда бўлган автомобиль транспорти юк обороти ўтган йилнинг ярим йиллигига нисбатан 26 процент кўпайди ва 316,3 миллион тонна-километрни ташкил қилди.

Юк обороти ва юк ташини ярим йиллик планининг бажарилиши қуйидагича бўлди:

1970 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент	1969 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент	1970 йил 1-ярим йиллик планга бажариш процент
Юк обороти — миллион тонна км.	316,3	107
Ташинган юк — миллион тонна	19,9	108
Пассажир обороти — млн. пассажир-км.	1530,2	91
Пассажир ташини — млн. киши	218,6	101

Умумий фойдаланишда бўлган юк автомобиль транспортининг меҳнат унумдорлиги анча ошди. Бироқ автомобильларнинг юксик йўл босими ўтган йилдагига нисбатан бироз қайтариб бўлсада ҳамон кўп содир бўлмоқда.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Ўтган ярим йилда халқ хўжалигининг барча тармоқларида капитал қурилиш анча кўп миқдорда амалга оширилди.

Давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобига асосий фондларни ишга тушириш 152,3 миллион сўмни ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирма нархларда 1,7 баравар кўп демандир.

Областада янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. 60 километрдан ортиқ масофадаги электр

узатиш линиялари фойдаланишга топширилди. 1-Тошкент — тажриба-экспериментал меҳаника заводида 10 минг тонна металл конструкция ишлаб чиқарилади. Эивалек посёнкасидаги қарьерда 11 минг тонна темир-бетон қурув ишлаб чиқарилади. «Ўзбекистон» чарни бирлашмасида 600 минг тонна терни дастлабни ишлайдиган ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигига давлат маблағлари ва қолхоз маблағлари ҳисобига янги қорамол сақланадиган чорвачилик бинолари, 2100 қўй ҳамда 9 минг парранда учун муҳалланган бинолар ишга туширилди.

Тошкент ва Бўстонлик парранда фабрикаларида 50 минг она товуққа муҳалланган бинолар давлат маблағлари ҳисобига қурилиб фойдаланишга топширилди.

2533 гектарлик янги сугориладиган ер очилди. 7821 гектар ерда капитал планировка ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилди. 4,2 гектар теплица фойдаланишга топширилди.

Биринчи ярим йилда 269,6 миллион сўмлик давлат марказлашган капитал маблағлари ўзлаштирилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15 процент кўп демандир.

Ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган пудрат ишлари ярим йиллик плани 112 процент бажарилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан пудрат ишлари ҳажми 30 процент кўпайди. Шу билан бирликлда айрим бошланғич, пудрат ташкилотлари ярим йиллик плани бажаришди.

Қолхозлараро қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган иш ҳажми 43 процент кўпайди.

Қурилишда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилмапти. Асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш плани халқ хўжалигининг қатор тармоқларида бажарилмади.

ХАЛҚ МОДДИЙ ФАВОРИНЛИГИ ВА МАДАНИЙ ДАРАЖАСИНИНГ ЎСИШИ

Тошкент области ва Тошкент шаҳри халқ хўжалигига банд бўлган ишчи ва хизматчилар сони ўтган ярим йилда давлатки маълумотларга қараганда 954,8 минг кишига етди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қариб 5 процент кўпайди.

Ишчи ва хизматчиларнинг оиллик пул иш ҳақлари ўртача 9,3 процент кўпайди. Қолхозларда меҳнатига ҳақ тўлаш 21,7 процент ошди.

Аҳолининг омонат кассаларга қўйган омонат пуллари ярим йилда 47 миллион сўмга кўпайди. 1-июльда 65,6 миллион сўмни ташкил қилди.

Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти 808,6 миллион сўмни ташкил қилди ва солиштирма нархларда 11 процент, жумладан умумий оватланиш корхоналари бўйича 10 процент кўпайди. Чакана товар обороти ярим йиллик плани 112 процент, жумладан Тошкент шаҳри бўйича 119,6 процент бажарилиди.

Ўтган ярим йилда сабзавот, мева, сут маҳсулотлари, тухум, қандиртер маҳсулотлари, телевизорлар, рўзгор ҳоддаларини ва бошқа товарлар сотиш кўпайди.

Давлат капитал маблағлари ва уй-жой қурилиш кооператив ҳисобига умумий фойдаланишда 464 минг квадрат метр бўлган уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 171 минг квадрат метр кўп демандир.

Давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобига уй-жойлари фойдаланишга топшириш ярим йиллик плани 103 процент қилиб бажарилиди. Бундан ташқари қолхозлар ва аҳолининг ўз ҳисобига ва давлат кредити ёрдамида қўнғина уй қурилди.

Янги мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар ишга туширилди. Бироқ умумий таълим мактаблари ва мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш бўйича ярим йиллик план бажарилмади.

Тошкент области ва Тошкент шаҳри бўйича аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига қараганда 10 процент ошди.

Ярим йиллик мобайнида маиший хизмат корхоналари сони 103 тага кўпайди. Шунга қарамай бундай корхоналар, айниқса, қишлоқ жойларда етишмапти, аҳолининг қатор хизмат турларига бўлган талаби тўла қондирилмапти. Хизмат кўрсатиш сифати анча паст. Янги-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қуриш ва мавжудларини қайта қуриш мақсадларида ажратилган маблағлар тўла ўзлаштирилмапти, янги корхоналари ишга тушириш муддатлари кечинмапти.

Ярим йилда шаҳар ва қишлоқларни янада ободонлаштириш ҳамда уй-жой фондини газлаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Ўтган йил шу давридагига нисбатан газлаштирилган квартиралар сони анча кўпайди. Ярим йилда 14,3 минг квартира газ билан таъминланди.

Халқ маорифи, фан ва маданиятни ривожлантириш бўйича янги ютуқлар қўлга киритилди. Таълимнинг турли соҳаларида 852 минг киши ўқиди. Шундан 663 минг киши умумий таълим мактабларида таҳсил қўрди.

1970 йилда умумий таълим мактабларини 38 мингта яқин йилит-қиз, жумладан ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларини 8,5 мингдан ортиқ киши битириб, етукли аттестати олди. 59 мингдан ортиқ киши сангиз йиллик маълумот олди.

1969—1970 ўқув йилида олий ва ўрта махсус ўқув юрларида ўтган йилдагига нисбатан 6,5 минг кўп киши ўқиди.

Бу йил олий ва ўрта махсус ўқув юрларида 33 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланди, улардан 19 мингта олий маълумот ва 14 минг кишидан ортиқроғи ўрта махсус маълумотга эга бўлди. 1968 йилга нисбатан мутахассислар тайёрлаш қариб 6 минг кишига кўпайди.

Маданий-офартува ва киноустановка тармоғи янада кенгайди.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхшиланди, давлат муассасалари тармоғи, санитария-профилактика ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи кенгайди. Ўнлаш ва ўрта медицина ходимлари сони ошди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БАШҚАРМАСИ

ЗЎР УЮШ ҚОҚЛИК БИЛАН

Янги ўқув йилига тайёргарликнинг қандай бораётганини ўзаро текшириш областимиз халқ маорифи ходимлари учун аянчаа бўлиб қолди.

Биринчи сентябрга тарадду қўриладиган бир пайтда Оржоникидзе райони халқ маорифи ходимларидан бир гурупаси социалистик Чирчиқда бўлди. Айни бир вақтда чирчиқлик маорифчилар мусобақалар Оржоникидзе райони мактабларида янги ўқув йилига қандай тайёргарлик қўриладиганига билан қизиқиб танишдилар.

Мусобақалар район вакиллари шаҳар маорифи ходимлари ва жамоатчилиги ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қатор ибратли тадбирларни кўриб қувондилар.

Чирчиқ шаҳри мактабларида янги 1970—1971 ўқув йилига ҳар томонлама пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Апрель ойида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш масаласи шаҳар Совети сессиясида кенг муҳомама қилинган эди. Сессияда янги тақдирлар илгари сурилди, қатор тадбирлар белгиланди. Мактабларнинг оқтин ташкилотлари билан ўқоқлари янги биринчи сентябрга барвақт

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

лигига олган «Ўзбекхимваз» заводи, Электрохимия комбинати ва бошқа корхоналар ремонт ишларига яқиндан бош қўшдилар. Бу мактаблар янги ўқув йилига тайёр.

Оржоникидзе райони маорифи ходимлари шаҳардаги 1,4,16,21-ва 23-мактабларда ҳам ремонт ишлари қўнғилдагидек бажарилаётганини шохиди бўлдилар. Чирчиқдаги мактаб-интернат ҳам янги ўқув йилига тайёр қилиб қўйилди. Фан кабинетлари ва ўқув лабораториялари яхшилаб жиҳозланди. Ленин музейи кенгайтирилди.

Ўзаро текшириш гурупаси аъзолари шаҳар мактабларининг яна бир ибратли ширини кўриб қувондилар. Шаҳардаги деярли ҳар бир мактабда дарсликлар бўйича кутубхона фонди ташкил этилган. Ана шу мақсад учун 500 минг сўмлик маблағ сарфланди. Ўқув йили тугатиш билан, ўқувчилар тугатган дарсликлар мактаб кутубхонасига топширилди ҳамда

навбатдаги синфларга тарқатилди.

Янги дарсликлар билан савдо қилиш ишлари ҳам қизиб кетди. Ҳозиргача 80 процентга яқин дарслик ўқувчиларга сотилди.

Шу билан бирга ўзаро текшириш гурупаси аъзолари янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда айрим камчиликлар борлигини ҳам аниқладилар. Шаҳардаги 3, 8, 9-ва 11-мактабларда ремонт ишлари бироз қўнғиб юборилган. Қурилиш материаллари ва ишчи кучи етқи-

маслиги сабабли шаҳардаги 8-мактабда ремонт ишлари суст олиб борилмоқда.

Куч — бирликлда, деганларидек, — дейди шаҳар халқ маорифи бўлимининг муайри ўрток Р. Ёўломов, — ремонт ишлари мактабларда ҳам тайёргарлик ишларини қизитиб юборамиз. Бунинг учун оқтин ташкилотлари бизга ёрдами аниқ кўчатирадилар. Ўқувчилардан иборат ремонтчилар бригадалари ташкил этилди. Июль ойининг ўзидек шаҳримиздаги ҳамма мактабларда ремонт ишлари тўла тугалланди.

Шундай қилиб, янги ўқув йилида 22 та мактаб ва битта мактаб-интернатда таълим тарбия ишлари олиб борилди. Ҳар сафаргилек бу йил ҳам кечик таълимга алоҳида аҳамият берамиз. Ҳозир бундай мактаблар бизда 6 та. Уларга ўқувчилар қабул қилиш яхши бўлга қўйилган. Шунингдек, сирдан қатнаб ўқиш мактаб-интернат ҳам янги ўқув йилида қўнғина ўқувчи қабул қилинади.

А. АЛИЕВ.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг махсус муҳбири.



ОБЛАСТЬ автотрестига қарашли 56-автотрестнинг коллективини ишлаб чиқариш планларини бажаришда пешқадамлик қилмоқда.

Бу ерда қўнғиб сергайрат шоферлар ишлашади. Абдурахим Абдукаримов ҳам ана шундай шоферлардандир. Суратда: (чапдан) шофер А. Абдукаримов, автотрестнинг бош инженер Т. Акбардин ўртоқлар.

А. АВАЛЯН фотоси.

ТЕЛЕГРАФ АГЕНТЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Совет Иттифоқи Телеграф агентлигида иттифоқошд республикалар телеграф агентликлари директорлари билан ТАСС бўлим мудирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми қарорларини пропаганда қилиш, шунингдек партиянинг бўла-жамаат XXIV съезидга тайёргарликни маълумотда ёритиш билан боғлиқ масалалар муҳомама қилинди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг пропаганда бўлимида сўхбатда бўлдилар.

ХАЛҚ КОРЛИ

- ◆ Пахтакорнинг зарбдор кунлари
- ◆ Техника тараққиёти — юксалиш қаноти

- Қурилиш таннархи арзонлашмоқда
- Фермаларга рейд

Х О С И Л ПОСБОНЛАРИ

ШИОРИМИЗ — ТЕЖАМКОРЛИК

Шаҳримизда қурилаётган иморатларнинг иншоис кўринмайди. Бинокорлар бор иншоисларни шунга солиб, Тошкентни янада кўрак шаҳарга айлантириш ишларида меҳнат қилмоқдалар.

Бошқарманиз қурувчилари олиб бораётган ишлар кўлами ҳам кенг. Улар қўлидан чиққан қўшма биналарда ҳамшаҳарларимиз яйраб яшамқдалар.

Назоратчилар қурилишнинг тез ва соз бориши устидан доимо кўз-қулқоб бўлаётганликларини учун ҳам ой сайин ютуқларини кўпайиб бораётган. Ҳозирги кунда асосий диққат-эътиборини қурилиш сифатини яхшилаш билан бирга бинокорлик материалларидан тежаб-тераб сарфлаш ва қурилиш таннархисини арзонлаштиришга қаратган.

Зотан, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг тежа-

мордик режимини кучайтиришга қаратилган Ҳати бизни шунга даъват этади.

Група аъзолари ўтган ойда биринчи участка бинокорлари ишлаётган қурилиш материаллари бўлдилар. Назоратчилар Чилонзорнинг «В-22» микро-районида (прораб А. Рогов) бўлган қурилиш материаллари низоҳатда исроф бўлаётганлигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Айниқса, 17-й қурилиш майдонига кўп-кўп бетон келтирилгану, аммо фойдаланилмай тўйилган жойда қолиб кетарган. Улар қурилиш майдонига ортиб қолган гипс парчалари, темир-тераслар, кўмб ташланган. Алёбастра ва цемент усти очиб жойда қолиб қолган сифати ёқолган.

Бошқа ўйда эса қурилишнинг технологияси режимни бузган. Айниқса, Э. Набиев бошлиқ бригада аъзоларининг иши сифатсиз бўлган. «В-21» кватра-лининг марказида қурилаётган

бошқа уй-жойлар ҳам талаб-га жавоб бермайд.

Текширувдан сўнг маълум бўлган, барча нуқсонлар махсус ингилишда муҳокама қилинди. Қўшимча маблаг ва ишчи кучи сарфланиб, йўл қўйилган на-мчиликлар тўзатилади. Лекин, биз шу билан чегараланганимиз йўқ. Масъулиятни ҳис этимаган раҳбарларни жазоладим. Про-раб А. Колесников раҳбарлик қилаётган бинокорлар 27-бос-лар ботчаси қурилишда тежа-мордик режимни бузганлиги учун бинокорнинг қўлига қисқарти-кайта тузатилади. Ишга белар-волни билан қараган А. Колес-никовга маъмурий жазо қўрил-ди. Бригада бошқармаси ҳам ўз қилишларини учун жазо олди-лар.

Назоратчилар механизмлар-дан қандай фойдаланилаётган-лигини ҳам текширувдан ўтказ-дилар. Текширув давомида ми-норали кранлар иккинчи сменада

мутаффо ишламаётганлиги маъ-луи бўлди. Аммо, айрим қўли эгри кишилар / бажарилмаган ишларни бажарилди, деб ҳақ олаверганлар. Бу намуналик ҳам бошқарма раҳбарлари иштиро-нда ўтказилган йиғинида муҳокама қилиниб, жавобгар кишилар маъмурий жазо олди-лар.

Бошқарма халқ контроли группасининг 14 аъзоси ва кўп-лаб жамоатчи активистлари бор. Назоратнинг оммавийлигини таъминлашда В. Рисник, М. Не-розов, В. Румянцев, И. Пушан ва бинокорлар қирдан ердан бермоқдалар. Улар иштирокда ўтказилаётган ҳар бир рейд самарали бўлмоқда. Назоратчи-лар кучи билан сўнгги ойларида тежамкорлик, қурилиш сифати-ни яхшилаш ва таннархисини арзонлаштириш соҳасида талай-гина ютуқларини қўлга кирит-ди. Олти ойлик қурилиш-мон-таж ишлари ва муваффақия-тли адо этилди.

М. СТОВЕРХОВА,
153-қурилиш трести 10-бос-ларчасини халқ контроли груп-пасининг раиси.

Далаларни айланган кишининг кўзи қувнади: гўзалар дурин, ҳар тўпда 6—7 тадан кўсак бор. Азамат дехқонлар мул ҳо-сил етиштириш учун астойдил меҳнат қилаётганликларини, кўл-тавақия, озиқлантириш, суго-риш ишларини бир-бирига боғ-лаб ўтказётганликларини кўри-ниб турибди.

— Ҳозир ҳосилга-ҳосил қўш-адган зарбдор давр,— дейди колхоз халқ контроли группаси-нинг раиси Қоровой ана Утепов.— Айниқса, сугоришни намуна-ли ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бригада ва аъзолардаги халқ нозоратчилари, нозорат постларининг асосий эътибори шунга қаратилган.

Бу ерда дастлабки қуларда-ноқ дала ишлари сифати нозо-ратга олинди. Тақрибэн дех-қонлар, мутахассислар, меҳани-зорлардан иборат нозоратчи-лар вақти-вақти билан бригадаларга рейд уюштирадлар.

Биринчи сугориш пайти эди. Халқ контроли группаси раиси Қоровой Утепов ва колхоз бош агрономи Солиқ Иброҳимов ўр-тоқлар колхозининг Хамид Этам-бердиев бошлиқ бригадасида пах-тазорларда бўлдилар. Сугориш асосан яхши, лекин, бригада-нинг этак томониди тўздор ол-дида ҳаммаси яхши сотихча гўза чала сугоришди.

— Бу қанақаси бўлди?— бри-гадирин ва сугоришнинг ўртага олиниди халқ нозоратчилари.

— Дўнроқ ер экан, сув олиб чиқолмади,— жавоб берди бри-гада сугориш Гафур Маҳаматов.

Бу жавоб, албатта, нозоратчи-ларни қондирмади.

— Ҳосил тўпдан олинди, жон қойиниш керак,— дейишди улар.

Уш аҳдотини ишга киришил-ди. Дамба қилиниб, дўнроқ ер-га сув чиқарилади. Гўзалар қон-дириб сугорилади.

Эртаси кунин нозоратчилар қурилишнинг боришини кў-дан кечирдилар. Улар Маҳмуд Қосимов бригадасидан Ортиқ Рўзиматов эвеносида бўлганла-рида 13 гектар ер сифатсиз қурилиш қилинганлиги, қатор оралари 16—18 ўрнига 5—7 сантиметр қопматланганлиги аниқландилар.

Икки кундан сўнг колхоз правленесининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Нозоратчилар текшириш натижалари тўғриси-да ахборот бердилар.

Колхоз правленеси камчи-ликларини тугатиш, барча бри-гада ва аъзоларда дала ишлари сифатини тўздор яхшилашга қаратилган қарор қабул қилди. Нозоратчилар бу қарорин ҳар бир бригада ва эвеносида ишлаб

Халқ нозоратчилари тунги су-горишнинг боришини алоҳида кузатишмоқдалар. Улар колхоз-нинг Аҳан Сериев бошлиқ бригадасида ярим отта бўлган-да сугориш Билал Сулай-нов, Нуриддинов, Тополтаев-ларнинг ишидан аниқса, хўс-санд бўлди: ағроф яхши-жон, бутун қопмат уйлаша, лейли ҳо-сил посбонлари,— сўзлар сар-ган, қўлда фонар билан ағат ораб қўришди.

Бирок, М. Гусанов бригада-сида лавбачи сувишлар ағатла-га сувиш тараб, уйларга жўнаб қўлишди. Тонг отган, нозорат-чилар бригада бошлиғи ва сў-чи-ларини иғиб маънос ўтказилди. Тунги сугориш ишнинг яхши бўлга қўиш юзасидан тадбир-лар белгилан чикалди.

Эрта Чирчиқ райониди Эн-гельс номи колхоз аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 28 цент-нердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Машина терими ҳам ҳозир-дан бошлаб пухта тайёргарлик қилиётган. Бунинг учун 1200 гектар ер— ақратилган. Бу йил даладада 40 «ангори нема» ишлайди. Шу кунларда колхоз трактор паркида «ангори нема» трактор ремонт қилинмоқда. Ҳар бир механизатор — актив на-зоратчи. Трактор паркидаги на-зорат постини ремонт ишларини боришини алоҳида текшириш-дан ўтказмоқда. Механизатор-лардан Хайиткул Ҳамроев, Сар-сен Оқилбеков, Фатхулдин Га-раев, Хайдар Насриддинов, Фа-тох Нурдин ўртоқлар ўз аъзо-лариди гўза парваришнинг яхши йўлга қўиш билан бирга ре-монт ишлариди ҳам актив қат-нашмоқдалар. Улар ҳар гектар-дан 28—30 центнердан ҳосил етиштириш маъсумида нам де-валда 60—70 тоннадан пахта теришга аҳд қилганлар.

Механизаторлар бошлиқ бу эвеносларда бўлганимизда улар ўз аҳдларига яраша меҳнат қи-лаётганликларини кўрдик. Ҳар гектар ерда 80—85 минг туп гўза бор. Ағатларда жилдираб сув оқмоқда.

— Ҳозирги кунда,— дейди колхоз халқ контроли группаси раиси Қоровой ана,— колхоз-ида 135 сўнч ишлайди, 30 га яқин ишчи тунги сугориш бил-лан банд. Ҳосил посбонлари ишдан хурсандми. Тез кун ичиди иккинчи сув тугалланади.

Кенг пахтазорлардаги бўлиқ гўзалар, қўсқалардан маржон тақмоқда, кун сайин ҳосилга-ҳосил қўишмоқда. Бунда, ҳеч сўсиз, ҳосил жонқурларни халқ нозоратчиларининг улуши қат-та.

Н. РИХСНОВ.

ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Комбинатимиз коллективи беш йилликнинг якуловчи йилида зўр гайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Бар-ча ҳозир бир еадан бош чиқа-риб беш йиллик пилани 7 но-ябрга адо этиш ва йил охи-ригача қўшимча кўп-кўп санат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун курашмоқда.

Зиммага олинган мажбурият-нимизда кўп-кўп ҳам аше икти-сод қилиб, материаллардан те-жаб-тераб сарфлашга даъват этувчи сўзлар ҳам бор. КПСС Марказий Комитети, СССР Ми-нистрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети-нинг «Ишлаб чиқариш резерв-ларидан фойдаланишни яхши-лаш ва халқ хўжалигида иқти-сод тежамкорлик режимини кучайтириш тўғрисида»ги Ҳати-дан сўнг бу соҳада 97 та тад-бир ишлаб чиқиди. Бу тадбир-лар асосан Ҳати муҳокама қи-лиш даврида туғилди. Халқ на-зоратчилари ўларнинг қандай бажарилаётганлигини мунтазам равишда кузатиб бормоқдалар.

Шуниси қувончлики, тадбир-ларни бажариш билан ишлаб чиқариш самарадорлиги бир не-ча мартабга ошмоқда. Ўтган ойларида тадбирларнинг 11 таси-ни амалга оширдик. Бунинг на-тижасида 22 минг 690 сўмлик хом аше тежаб қолди. 724 ми-нин киловат соат электр энер-гияси, 88 мегакалорий буг ик-тисод қилинди.

Тежамкорлик учун бошлан-ган курашда комбинат нозорат-чилари алоҳида гайрат кўрсат-моқдалар. Ҳозир қорхонамизда

34 та группа ва 6 та пост ҳа-ракат қилдилади. Бу группа ва постларга ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатган 425 кимега-ри бирлашган. Улар иштироки бил-дан бу йил 7 та рейд ўтказдик. Бу рейдлар давомида ортиқча ускуналарни ҳисобга олди, хом аше ва материалларнинг қан-дай сақланаётганлигини тек-ширдик, кимега-рига кўрсати-лаётган савдо хизматини кўз-дан кечирдик.

Текширувдан давомида бир талай нуқсонлар борлиги маъ-лум бўлди. Айрим цехлардаги хўжасизлик туфайли кўп-кўп хом аше исроф бўлаётганлиги аниқланди. Рейдлардан сўнг қатор участкасига 150 тонна-лик тарози ўрнатилди. Бу тад-бир бир томондан, қот ортиш-ини тежаштирса, иккинчи томондан, хўжасизликнинг ол-дини олапти.

Комбинат нозоратчилари ҳар соҳага эътибор билан қарашга одатланганлар. Яннда биз бошқарув аппаратурини яхши-лаштириш мумкинлигини исбот-лаб бердик. Ортиқча штатлари қисқартириш ҳисобига мошш фондидан 140 минг сўм маблаг-ни тежаб қолдиш мумкин экан.

Ҳозирги кунда нозоратчилар-нинг бу соҳада тақдир қилган тадбирлари тўла амалга оши-рилди.

301-цех халқ контроли груп-паси аъзолари ташаббус билан маҳсулот сифатини яхшилашга қаратиб ўтказилган рейд ҳам-маининг олимизда. Бу груп-пада ишчан кимега-ри М. Пулдо-шев раҳбарлик қилмоқда.

У бошлиқ нозоратчилар ўз диқ-қат — эътиборларини маҳсулот сифатини оширишга қаратиб, тўғри иш қилганлар. Пулдо-ше-дида цех 100 процент маҳсулот-ни фақат биринчи сортларга топширишга муваффақ бўла-пти. Ишчилар ўртасидаги сара-товиллар методининг кенг ёйлаётганлиги ҳам маҳсулот сифатини яхшилашда кўл кел-моқда.

КПСС Марказий Комитети-нинг июль Пленуми маинча-созлик қорхоналари коллектив-лари қатори кимега-рилар зимма-сига дехқонларга кўпроқ ва си-фатлироқ ўғит етказиб бериш вазифасини юклган. Пленум қарорларини амалга ошириш йўлида коллективимиз бир қатор тадбирларини ишлаб чиқ-моқда. Шу кеча-кундузда цех-ларимизда тайёрланаётган ми-нерал ўғитлар ҳам вагонларда, ҳам машиналарда дехқонларга етказиб берилмоқда. Кейинги ойларида машиналар билан ўғит ташиниш йўлга қўйилганлиги ишмига анча фойда берди.

Бу усул билан бир кеча-кунду-зда 144 тонна аминан селитраси ва 760 тонна қарбамид ташил-моқда.

Кимега-риларимиз ой сайин кўпроқ минерал ўғит ишлаб чи-қариб ўтган 6 ой давомида пла-нга қўшимча равишда 12 минг 47 тонна минерал ўғит тайёр-лашди.

Т. АБДУЛЛАЕВ,
Чирчиқ электрхўжаси комбинати халқ контро-ли группасининг раиси.



«УЧКОН» тўқимачилик-талантерия фирмасининг зарбдор ўрочиши, Ленин район Советининг депутаты Мовлада Исмон-лова сифатли меҳнати билан кўччиликка таянган. У жамоатчи сифатида ҳам қорхонада катта ишларни амалга оширапти. Пешқадм ўрочиш йиллик пилани муддатидан олдин адо этиш учун курашиб, шу кунларда ажойиб ютуқларини қўлга кирит-моқда.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ГРУППАЛАРИДА

ЧОРВАЧИЛИККА ЖИДДИ ЭЪТИБОР

Қалинин райониди Орқоникда нолли колхоз халқ контроли группаси аъзолари хўжаликнинг бошқа тармоқлари қатори чорвачиликка юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор билан қарамқдалар.

Ўтган ойларида сўт-товар фермаси иши бир неча бор текши-рувдан ўтказилди. Аниқланган камчиликларни правление ва кол-хоз партия ташкилоти ердан билан қисқа вақт ичиди бартараф этилди. Текширувларнинг бирда буювудиги қорамоллар парвар-ишига аҳамият берилмаётганлиги оқибатида буювқар қасалла-ниб, ситгилардан сўт соғиб олтиш миқдори алган-и ойларида нисбатан анча пасайиб кетганлиги аниқланди. Қаврал майдониди ўрта ҳисобда ҳар бир ситгилар 800 литр-дан сўт соғиб олинди. Сўтнинг егиллик даражаси 3,5 процент-ни ташкил этди.

Текширувдан сўнг қўрилган шовишнинг тадбирлар туфайли йилнинг иккинчи кватралада чорвалардан буювқар ситгилар-нинг ҳар бирдан 1350 литрдан сўт соғиб олди, сўтнинг егил-лик даражасини 4,1 процентга оширдилар.

Нозоратчилар чорва маҳсулотлари етиштиришни қўлай-тиришда озуқанинг ролин яхши билишди. Шунинг учун ҳам улар озуқа запасини қўлайтириш, беда ва пичанин ўз вақтида ўриб, гарамлаб қўйишга алоҳида эътибор билан қарамқдалар. Халқ нозоратчилари жонқурлиги билан колхозда озуқа тайёр-лаш ишлари жадал борапти.

Нозоратчиларнинг бир группаси чорвачиликни юксалти-риш билан боғлиқ бўлган тадбирларни бажариш йўлида жон қуйди-рса, қолган группалар экинлар парвариш сифатини ошириш, мул мева-чева етиштиришга қаратил қилмоқда. Ҳо-зир колхознинг боз-роғлари ва экинзорларида иш қилгани бормоқда. Ҳамма бир жон бир тап бўлиб, юбилей йилида зимма-га олинган мажбуриятларнинг тўла бажарилишини таъминлаш учун курашмоқда.

НАЗОРАТЧИЛАР ГАЛЛАЗОРЛАРДА

Янгийўл райониди Жамбул нолли совхозда галла ўрим-лигини қисқа муддатларда сифати ўтказилди. Бу муваффа-қиятда совхоз нозоратчиларининг муносиб ҳиссалари бўлди албатта.

А. Сексенов бошлиқ совхоз халқ контроли группасининг аъзолари дои ўрим-инини аниқ қилган паллада бевосита галлазорларда бўлиб, ишнинг боришини кузатишди.

Ўрим-ининг камчилигини бошлангич оладан нозоратчилар кичкина йилгилни ўтказиб, бу йил ичиди бажарилиш лозим бўлган нафизларни аниқлаш олган эдилар. Улар асосий диқ-қат-эътиборини қўймайлининг узлуксиз ишларини таъмин-лаш, дои нобудгарчиликни қарши қураш ва галлазорларга ях-ши шариот яратиб беришга қаратилди.

11 кишилик группа ҳар соҳадан кўз-қулқоб бўлиб борди. М. Қосимов, А. Солтбеков, Қ. Соғимов каби жонқур нозо-

ратчилар эътиборидан ҳеч нарсга чегда қолмади. Галлазорлар-да ўриб янчилган дои тўғри хирмонга қилиб тўшаверди.

Нозоратчилар шол етиштиришни қўлайтиришга ҳам му-носиб ҳисса қўшмоқдалар. Эрта баҳорда улар шол екиннинг бориш билан танишмоқчи бўлиб, 5-бўлимга чиққанларда бир воқеанинг шохиди бўлишди. Ер, техника, уруғлик тайёр эди-ю, экин бошланмаганди. Дарҳол сабабини сугоришди. Маъ-лум бўлишича, Сирдарё бўйига қурилган насос станцияси ҳа-ли созланмаганлиги сабабли шолкорларга сув етказиб берил-маган экан. Нозоратчилар насос станцияси томон йўл соғди-лар. Уш куннинг ўзидеқ станция ишга тушиб, далалар то-мон сувлар шарқираб оқа бошлади.

— Нозоратчиларимиз ишчи план асосида ташкил этмоқда-лар,— дейди совхоз халқ контроли группасининг раиси А. Сексенов.— Ўтказилаётган ҳар бир рейднинг самарали бўла-пти. Рейдларда аниқланган камчиликлар тезда тугатил-моқда.

РЕЗЕРВЛАР БЕҲИСОБ

Ўзбекистон исиққа чидамли ва қаттиқ қотишмалли металл комбинатининг 1-металлургия цехи ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳозир КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Ко-митетининг ишлаб чиқариш резервларидан умумли фойдала-ниш ва халқ хўжалигида тежамкорлик режимини кучайти-ришга даъват этувчи Ҳатиға жавобан меҳнат қилмоқдалар. Бу соҳада цех нозоратчилари кўпроқ жонқурлиги кўрсатмоқ-далар.

Ҳати муҳокама қилиш даврида ишчилардан кўп-кўп қим-матли тақдирлар тушди. Цехда бажарилиш лозим бўл-ган қатор тадбирлар белгиланди. Нозоратчилар активлиги билан жами 14 минг сўмликдан кўпроқ самара бериш лозим бўлган бу тадбирлар бирин-кетин бажарилапти. 1-участка ва ремонт хизмати коллективлари тақдир асосида бажариш тадбир ҳозир 3000 сўмлик фойда келтирляпти. Аниқ пайтда ҳавонинг қанглиниш кайини, меҳнат умумдор-лиги анча яхшиланди.

Бундан ташқари, ердими материаллардан фойдаланиш-нинг янгича нормаси жорий этилганлиги туфайли ҳар хил сарфиетлар 10 процентга қамайди. Бу тадбир 2000 сўмлик иқтисодий самара бермоқда.

Цех халқ контроли группаси аъзолари шу кунларда махсус рейд бригадаси тузиб, социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини текширишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Шу текширув давомида резервлардан фойдаланишнинг аҳвол-и ҳам кўздан кечирилди.

Комбинатнинг бошқа цехларида ҳам ойлик топшириқлар муваффақиятли бажарилиб, кўп-кўп хом ашлар тежаб қоли-напти.



ХИКМАТУЛЛА ҚУДРАТУЛ-ЛАЕВ бошлиқ бригада далада-рида бўлган кишининг қалби қувончларга тўлади. Сифатли ишлов берилган гўзалар денгиз-дай қайқалиб турибди. Бригада аъзолари гўзаларга ишлов бе-риш, сугориш, чеканка қилиш каби агротехника тадбирлари-нинг ҳаммасини ўз вақтида ўт-казишган. Эрта Чирчиқ райони-даги Терешкова нолли колхоз-нинг бошқа участкаларида ҳам сифатли парвариш қилинган гў-залар барқ уриб ўсаяпти. Бу со-ҳада аниқса нозоратчилар ало-ҳида хизмат кўрсатишляпти. Суратда: Хикматулла Қудра-туллаев (ўнгда) эвеносида бошлиқ Озод Абдусаматов билан пахта-зорни кўздан кечирмоқда.

А. ТҒРАЕВ фотоси.

ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

текширувдан ўтказдик. Бу соҳада ҳам маълум камчиликлар аниқ-ланди. Айниқса, покотивти бри-гадасида дизель ёнигили нор-мадан кўпроқ ишлатилган эди.

Рейддан сўнг текширув яку-лари машинистлар йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Сўнг де-по бошлиғи материал ва енгил-лаш тежаб-тераб фойдаланишга уйдоник буювқар қилди. Буювқар депо мистерлар зиммасига масъу-лиятни вазифалар юкланди.

Нозоратчилар аниқланган кам-чиликлар орадан кўп ўтмай бар-

тараф этилди. Лекин нуқсонлар-нинг бутунлай бўлмаслиги учун олдиндан тушутириш ишларини қилиб бориш лозим эди. Шу мақ-садда биз маъмурий билан ҳам-корликда «Тепловоз ёнигили» ва бошқа хил материаллардан ик-тисод қилиб қолиш кўларин» де-ган темада конференция уюш-тирдик. Конференцияда илгор машинистлардан Х. Лайшев, Е. Гусевки ва бошқа ўртоқлар те-жамкорлик соҳасидаги ўз тажи-риблариди сўзлаб бердилар. Кон-ференциядан сўнг қорхонада ой

сайин қайси бригадала қанча ма-тернал ва енгил тежамкорлигини кўрсатиб борушча махсус қўғаз-ма ташкил этилди. Тежамкорлик-ка даъват этувчи ишорлар пайдо бўлди.

Қурилган тадбирлар тезда ўз самарасини берди. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида 540 тонна дизель ёнигили тежаб қоллинган бўлса, бу йилнинг ўтган беш оиди мобай-лида 822 тонна ёнигили иқтисод қи-линди. Жамоатчилик учун билан барча камчиликлар тўла тугатил-ди. Партия-хўжалик активи ики-


лишда биз тепловозлар оборо-тини ошириш қандайга масавапан кўрганмиздан кейин бу соҳада ҳам сўлжш бўлди.

Халқ нозоратчилари ремонт ишлари сифатини ҳам тез-тез текшириб турадилар. Профилак-тик ремонт цехида ўтказилган текширувлардан сўнг ремонтчи-лар ишин анча сифатли бажара-диган, натижада тепловозлар тез-тез бўзилмайдиган бўлди. Депо цехларида 12 та группа

ишлаб турибди. Бу группаларнинг 270 аъзоси бор. Нозоратчилар ҳар соҳада ҳам ишнинг соз боришини таъминлаш учун курашмоқдалар. Яқинда улар меҳнат интизом-и, қўшимча қарамқдарини камаяти-риш ва ишлаб чиқариш эстетика-сини жорий этишнинг аҳволини текширдилар. Аниқланган камчи-ликлар шу кунларда тугатилляпти.

Яқин кунлар ичиди яна тежам-корлик юзасидан рейд ўтказмоқ-чимиз. Жамоатчилар рейдлари-мизнинг самарали бўлиши учун бизга яқиндан ердан бермоқда-лар.

А. МАРАКАЕВ,
машинист, Тошкент тепловоз депоси халқ контроли груп-пасининг раиси.



ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

♦ СССР кубогининг ярим финал мусобақаларида Москва ҳамда Тбилиси динамолари ғолиб чиқиб, финалда ўзаро куч сынашди. Пойтахт футболчилари киевлик клубдорлари устидан 2:1 ҳисобида, грузия спортчилари эса Буюкнинг «Нефтич» командаси устидан 1:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Финал мусобақаси 8 августда ўтказилди.

♦ Урта Осиё зонасида қатнашган командалар навбатдаги учрашувларни ўтказишди. Турнир нешадари «Янгир» ўз майдонида Навонининг «Зарафшон» командасидан 0:1 ҳисобида енгилди. Пойтахт областининг «Оқчирғон» командаси футболчилари «Оло»ни қабул қилиб, 1:0 ҳисобида устуликка эришдилар. Чирчиқнинг «Химик» ҳамда Андижоннинг «Оқ олтин» командалари ўйнида эса ҳисоб очилмади, 0:0.

Шундай қилиб, 21 учрашувдан 32 очко тўплаган «Янгир» ҳамон пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи, учинчи ўринларни бир хил—31 тадан очко тўплаган Навонининг «Зарафшон» ҳамда Андижоннинг «Оқ олтин» командалари эгаллаб турибди.

♦ Университет спорти Халқаро союзининг Скопье шаҳридаги чемпионати низоъига етди. Мусобақаларда иштирок этган мамлакатимиз футболчилари чорак финалда Ғарбий Германия командасини 2:1 ҳисобида енгиб, испанлар билан бўлган учрашувни 1:1 ҳисобида дураг қилган эдилар. Ярим финалда СССР студентлар терма командаси Билтоль шаҳрида Чехослования футболчилари билан мусобақалашиб, 3:1 ҳисобида ғолиб кетдилар.

Дам олиш кунини ватандошларимиз

миз испаниялик студентлар терма командаси билан яна куч сынашдилар. Кескин спорт кураши остида ўтган финал мусобақаси совет футболчиларининг ғалабаси билан тугади. Ҳисоб 2:1.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Спорт «маликаси» бўйича Ленинградда давом этган СССР-АҚШ матчи тугади. СССР терма командаси 200:173 ҳисобида ғолиб чиқди. Айниқса, аёлларимизнинг ғалабага қўшган улушлари катта бўлди. Улар спортнинг барча турида жамми 78 очко тўплаб, меҳмонлардан 19 очко ўзиб кетдилар. Эркаклар терма командаси эса 122:114 ҳисобида устуликка эришди.

Беш йил муқаддам Киев шаҳрида бўлиб ўтган енгил атлетикачилар мусобақасида ҳам ватандошларимиз ана шундай ишончли ғалабага эришган эдилар. Энди СССР терма командаси Европа Кубогининг ярим финал мусобақаларида қатнашиш учун Будапешт ҳамда Стокгольм шаҳарларига жўнаб кетадилар. Кубок мусобақалари биринчи августда бошланади.

УНИВЕРСИДА ОДИМЛАРИ

Мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида студентлар мусобақаси давом этмоқда. Ҳозиргача университетлар программасига киритилган спортнинг 15 тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма командаси аъзолари 340 очко билан саккизинчи ўринда бормоқдалар Россия Федерацияси командаси 2196 очко тўлаб пешқадамлик қилмоқда.

ТЎКИНЧИЛИК

Шу кунларда ўлкамизда ғарқ пишчилик. Қўли гул дехқонларимиз томонидан етиштирилган ёз ноз-неъматлари дастурхонимизни тўқиб, қўн-қўннинг шод эътифоти. Боғларда олма, олхўр, даладарда боғнинг, помидор, помидорларда ҳандалаклар пешма-пеш узилди, ақоли дастурхонга учун жўнаб кетмоқда.

Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё тажриба станциясига қарашли бепоев боғларда, пахтазорларда, сабзавот экилган майдонларда иш қилган. Ўзгача қўйғос гулламоқда. Ҳисоблаш-ҳисоб қўйғоси аҳд қилган институт пахтазорлари ғўза қатор оралиғига сифатли ишлов бериб, уни обихаёта тўдиришни давом эттиришди.

Боғларда эса ширин-шакар ноз-неъматлар терилмоқда. Бу ўринда Нина Попова бошқиб борида пешқадамлик қилмоқда. Бригада боғларида бу йилги

ҳосил ҳар йилдагидан мўл бўлди. 6 гектар гилосдан йилги олинган ҳосил пландагидан сал кам икки баробар кўп бўлди. 2 гектар қўлунгайдан ҳам юқори ҳосил етиштирилди.

— Бригадамизда, — дейди Н. Попова, — жами 48 гектар мева боғи бор. Илмий ҳодимларимиз ана шу боғдан олма, ўрик, нок, олхўр, гилос, беҳи, олча устида илмий иш олиб борадилар.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларини амалга ошираётган коллективимиз аъзолари қўйғос йилда лангариқлиқлар ташаббусига қўшилиб 119 ўринга камда 150 тонна ноз-неъмат етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Бригадининг Рикси Н. Шойбеков, Гулбаҳор Нодирматов, Раҳбар Носирова каби аъзолари мева теришда ўрнатилган бўлмоқдалар.

Х. ОБИДОВ, И. РУСТАМОВ.



БУТУНГИ ТОШКЕНТ. Чорсу майдонида революциядан илгари пасткам пахсалар уйлари кўп эди. Эндиликда бу ернинг жамоли бениёс ўзгариб кетди. Тарихий обиди — «Қўқалдош» мадрасаси биноси эндиликда Оқушбобоев майдони кўрнганга кўрк қўшиб турибди. Суратда: «Қўқалдош» мадрасасининг тикланган ҳозирги кўрниси.

М. НУРИДИНОВ ФОТОСИ.

Янги шеърлар

ТИНЧЛИК БОҒИДА

«Фарзандини етаклаб, Боғда юрди она. Гул терилар этаклаб Кўнгли гулга парвона. Гўлчаларга қаради, Лаб оғуздай бу тоғда Бунда булбул сайради, Боладай шод оҳангда. Она дилда сўзлар Фарзанд тинглар ёнида Боқар меҳри кўзлар Умид тўла жонда. — Хилма-хил гуллар экан, Ҳайта берар чирой Лекин гуллардан кўнмак Фарзанд билан нисон бой. Оналарнинг алласи Ардоқлаган чоғда, Авжи уйку палласи Эркалар кучоғида. Оқ сут бериб ўстирар Шамолни кўрмай раво. Дом бахтин тилар Қалбда чин мўдадо.

Болам, миллионлар каби Униб, ўс Ватан учун, — Шунинг дер она қалби, — Оқласин нисон бурчи. Мана шу тинчлик боғи Гулларга тўйиб қар: Умидмасин япроғи Ҳаммаси тоза, сара, Фарзандлик киши ўлмас Ҳайта берар сайқал. Кўнгли қароғи сўнмас Халқ унга қўяр ҳайқал.

ДЭРМОН ЧИНОРЛАРИ

Қалбим каби қучоқларинг кенг, Узоқ умр кўрурсан, чинор. Тарифингни нега айтай тенг, Соғин билан топдир эътибор. Давра кўриб, соябон қилиб Япроқларинг тағдида нисон, Сени яқин меҳрибон билб, Ором олар чарчаган ҳар он. Тилсин тананг нега сўзламас Айтич бир бор кўрганларинг Тилга юргин, нени кўзлайсан, Айтич, қанча турганларинг.

ҲАЁТИНГ КУНДУЗДАЙ БИР УМР КУЛСИН.

БОЛАЛИК

Болалик чоғига не етсин ахир, Утдан ҳам, сувдан ҳам ўтасан омон. Бир кун ота бўлиб фарзанд кўрсанг-да, Қалбингга у шўхлик қилади туген. Ешлик шўхликларим бўлмади тамом, Ҳатто кексалikka йўл тўтса умр, Эсламасдан бўлмас, кўнгли ҳам тўлмас, Шўхликлар ўтади кўздан бирма-бир.

У М Р

Сўвда сарик барглари кўрдим, Осмондаги юлдузларсимон. Ремаси йўқ, оқар ҳар томон... — Қайқа! — деб, улардан сўрдим, Жавоб этмай сўроқ сўзмага Оқиб кетиб қолдилар шу он. Бир ўй келди менга нотоҳон, Узим жавоб бердим ўзимга: Ахир, ўмири тугади унинг — Менга жавоб айтосин қандак! Умрим, халққа ёдгорлик қолдир, Бекор оқма сувдаги баргдай.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Реклама ва Эълонлар

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади. ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ. 18.25 — Кўрсатувлар программаси. Ўзбек тилида: 18.30 — Телегилдилик, 18.45 — Ўзбек тилидаги фильм (мультипликация), 19.15 — Қашқадарь область Қашан район «Бўстон» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерт, 19.55 — кўрсатувлар программаси. Рус тилида: 20.00 — Булбуллар оқшоми (Оренбург драма театрининг спектакли), 22.30 — Серафим «Фролов севгиси» (бадий фильм, ўзбек тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ. 19.00 — Ўқув кўрсатувлар программаси, Абитуриентлар учун, Математика (Ўзбек тилида), 20.00 дан — Москва кўрсатади, Ўзбек тилида.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ. Ўзбек тилида: 20.00 — Қашфи-етчилар чоррақаси (илмий-оммабоп фильм), 20.50 — Балет нақси. Рус тилида: 21.30 — Тольяттидаги автоавтослов (хушхотали фильм), 21.40 — А. Островский, Қамба, галлик айб эмас (телеспектакль).

ТЕАТР

МУЗИКАЛИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИЙ ТЕАТРИДА — 29/VI да Ёшиликда берган кўнгли, 30/VI да Менин жаннатим (киши бинода), 31/VI да Анаб савдолар.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА. Қизлар фитнеси — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 23 ИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечурун). Оқ бўрилар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечурун). Сайқа — (2 серия) — НАВОНИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечурун), «ЎЗБЕКИСТОН 23 ИЛЛИГИ», (кундуз ва кечурун) — САЙҚАТ СА. РОПИ (кундуз ва кечурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(Неч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади). Оқ бўрилар — «ФЕСТИВАЛЬ», Қизлар фитнеси — «ХИВА», Севги ёши — «РАКЕТА».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28.29.30 ИЮЛДА М. ҚОРИҚУВОВ НОМЛИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ ВА СОЛИСТЛАРИНИНГ Катта концерти

КАТТА КОНЦЕРТИ

КАТТАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артисти ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист КАМГАР ОТАБОВ, VI маҳорат фестивалининг лауреати АНВАР РУСТАМОВ; СОЛИСТЛАР: Алиқон ҲАСАНОВ, Сера ШУКУРОВА, Қизларкон ҚУСТУМХАМЕДОВА, Шариф ДУСМОНОВ, Назрулла ҚУБОВ, Дилфуза ЖАББОРОВА ва бошқалар. Концерт неч соат 8 да бошланади. Билетлар концерт зали насасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

30 ИЮЛДА

ЭЛИК УЧИНЧИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

30/VI да Бой ила хизматчи 31/VI да — Олтин девор 1/VI да — АЛИШЕР НАВОИЙ 2/VI да ПАРВОНА 4/VI да ЎТИРЛАНГАН УМР 5/VI да ОЛТИН ДЕВОР 6/VI да МАРИЯ СТОАРТ Спектантлар неч соат 8 да бошланади. Спектантлар вақтида томоша залига совуқ ҳаво бериб турилмайди, ҳарорат 18-20 даража нисий бўлади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697.

Р — 14535

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛЛАРДА МЕХНАТКАШЛАР КУРАШИ

ДЕХЛИ—Калькутта портига

хизмат кўрсатувчи юк баржалари ва катерларнинг экинчилари—15 мингдан кўпроқ киши ўзларининг ҳаётий ҳуқуқлари учун кураш бошлаганларига икки ойдан ошиб кетди. Катта-катта жут тойлари кема-ларга орталадиган портининг кенг майдони одатдан ташқари жим-жит бўлиб қолди. Иш ташлаган деҳқонлар иш ҳақини ошириш тўғрисидаги ўзларининг талаблари фўла қондирилмагунча иш ташлашни тўхтатмасликка қатъий қарор қилганликларини айтидилар.

Ҳиндистон жанубидаги Майсур штатида ҳам иш ташлаш ҳаракати бошланди. Штат пойтахти Бангалорда шаҳар саноат корхоналарининг ишчиларидан уч минг киши иш ҳақини оширишни талаб қилиб, намойиш ўтказди.

ОТТАВА. Канада пойтахтида ва Канаданин Банкувер, Монреал ва Торонто шаҳарларида почта хизматчилари иш ташлашга қатъий сабабли барча почта бўлимлари ёпилиб қолди. Халқлар, газеталар, почталарнинг эгаларига етказиб бериш тўхтатилди.


Канаданин почта хизматчиларидан 27 минг киши иш ҳақини

оширишни, меҳнат шартларини яхшилашни, меҳнатшарни гарантияланган иш билан таъминлашни талаб қилиб бошлаган курашини сабот билан давом эттирмоқда. Меҳнат министрлигининг маълумотларига қараганда, июнь ойининг ўзидигина Канадада 94 марта забастовка бўлди. Шу забастовкалардан 70 таси қайта ишлаш ва қурилиш саноатида ўтказилди.

ГУАЯКИЛЬ. Эквадорнинг Чимборасо вилоятидаги катта замкидор ерида ишлаб турган бараклар бошлаган иш ташлаш бир ойдан бери давом этмоқда. Улар иш ҳақини оширишни ва ер эгаларидан ўн йилдан бери берибмаи келаятган мувофиқ пулини тўлашни талаб қилмоқдалар.

РИМ. Италияда «Алиатия» авиация компаниясининг учувчилари 24 соатлик умумий забастовка бошладилар. Забастовкачилар ўзларининг иқтисодий талабларини қондиришга ва ўзларининг касаса союз ҳуқуқларига риоя қилинишини кўзда тутган янги меҳнат шартномаси тузишни талаб этмоқдалар.

(ТАСС).



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Шимолий Словакия территориясидан оқиб ўтувчи «Сереув Дунаец» дарёси.

ЧТК-ТАСС ФОТОСИ.

ИТАЛИЯДА ҲУКУМАТ ТАНГЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

6 июлда Италияда бошланган ҳукумат танглиги давом этмоқда. Христиан демократ Д. Андреоттининг «сўл марказ»даги тўрт партия вакилларида иборат коалицияли ҳукумат тузиш йўлидаги уришлари ҳеч қандай натижа бермади. «Сўл марказ» қатнашчиларидан бири унитар социалистик партия унинг ҳукумат тузишга ҳалақат берди. Бу партиянинг раиси М. Танасси яқинда ўз партиядаги кўпчилик менъ қўллаб-қувватлай бериб ақан, «Андреоттига йўл бўлсин», деди. Андреотти ҳақиқатан ҳам ҳеч қандай натижага эриша олмаганини кўриб турибмиз.

Италия социалистларини бирлаштирувчи унитар социалистик партия ҳозирги ҳукумат танглигидан қандай роль ўйнаётганини тўғрисида қисқача бўлса ҳам тўхталиб ўтиш керак. Бу партия унча катта партия эмас. Унинг аъзолари, унга тарафдор бўлган саяловчилар кам (областларда ўқчилардан кейинги саяловларда

унитар социалистик партия овозларининг атғи 7 процентини олиди). Партия гарчи «Социалистик» партия деб аталса ҳам амалда ўтакетган ўнларнинг манфаатларига хизмат қилади. Италия реакцияси «сўл марказ» коалициясининг бошқа қатнашчиларини, аявало, Италия социалистик партиясини қўқитиб, йўлдан уриш учун ва уларни коммунистларга қарши янги «саяб юриш»га тортиш учун худди ана шу партияни ташлаб олди. Унитар социалистик партия «сўл марказ»ни тиклашга розилик бериши эвазига Италия социалистик партияси ва коалициядаги бошқа ҳамма шериклари коммунистлар билан ҳеч қандай алоқа қилмаслик ва улар билан ҳеч қандай ҳамкорликка қўнмаслик мажбуриятини олсинлар, деб талаб қилмоқдалар.

Андреоттининг ҳукумат программаси коалиция қатнашчиларининг бундай оғир мажбуриятларни ўз зиммаларига

олишини кўзда тутмаган бўлса ҳам Танасси янги ҳукумат тузиш йўлидаги уришларини барбод этди. Биз ўз оёқларимизда Италия реакцияси коммунистлар билан социалистларнинг бир оёқлиги Италияда тузилган областлик иқтисодий органларида ҳамкорлик қилишларига ҳалақит бермоқчи бўлганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Вонца бир воқеани ҳам айтиб ўтиш мумкин: реакция касаса коммунистларнинг биргаллиги ҳарақат қилишларини ҳам барбод этмишга уриммоқда. Касаса коммунистлар йилдан йилдан бери биринчи марта ҳозир корхона эгалари—капиталистларга қарши биргаллиб кураш олиб бормоқдалар. Ана шундай бирлик натижасида Италия ишчилар синфи кейинги вақтларда баъзи энг муҳим талабларини қондирилишига муваффақ бўлдилар.

Унитар социалистик партия ва унинг қўллаб-қувватлаётган кучлар ишлаётган найраглардан кузатишган мақсад ва бу

найрагларнинг моҳияти-ҳосирга ҳам Танасси янги ҳукумат тузиш йўлидаги уришларини барбод этди. Биз ўз оёқларимизда Италия реакцияси коммунистлар билан социалистларнинг бир оёқлиги Италияда тузилган областлик иқтисодий органларида ҳамкорлик қилишларига ҳалақит бермоқчи бўлганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Вонца бир воқеани ҳам айтиб ўтиш мумкин: реакция касаса коммунистларнинг биргаллиги ҳарақат қилишларини ҳам барбод этмишга уриммоқда. Касаса коммунистлар йилдан йилдан бери биринчи марта ҳозир корхона эгалари—капиталистларга қарши биргаллиб кураш олиб бормоқдалар. Ана шундай бирлик натижасида Италия ишчилар синфи кейинги вақтларда баъзи энг муҳим талабларини қондирилишига муваффақ бўлдилар.

Унитар социалистик партия ва унинг қўллаб-қувватлаётган кучлар ишлаётган найраглардан кузатишган мақсад ва бу

УРУГВАДА СТУДЕНТЛАР НАМОЙИШЛАРИ

МОНТЕВИДЕО. 27 июль.

(ТАСС). Уругвай пойтахтининг турли қисмларида студентларнинг намоийшлари бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари ҳукуматнинг ўрта мактаб ишларини аралаштаётганига қарши, таълим системасини демократлаштириш учун бўлган талабларни ўртага қўймоқдалар. Улар сийсий сабабларга кўра ишдан бўшатилган ўқитувчиларнинг қайтадан ишга олинишини ҳам талаб қилмоқдалар. Студентларга қарши юришлар полиция, қўзни ёшлангич рувчи бомбаларни ишга солди. Намойишчиларнинг қўлга олинган қатнашчилари қамоққа олинди.

ҒАЛАТИ ҲАМКОРЛИК

МАШРУТСИЗ АВТОБУС

Америка автомобиль транспорт мутахассислари шу вақтгача шахсий машинани зўр бериб ташвиқот қилиб келардилар. Лекин, яқинда улар бу фикрдан қайтидилар. «Форд» концерни вице-президентининг ўзи «Келажак митти-автомобилларини» деган мавзуда доклад қилди. Катта шаҳарларда енгил машиналар тез орада йўқолади, унинг ўрнини митти-автомобилларнинг ягона парки эгаллаш керак, деди у. Автобус парки электрон-ҳисоблаш машинаси билан таъминланган бўлади. Бу автобуслар қатъий муайян маршрут бўйича қатнашмайди. Пассажир электрон-диспетчерга қардан қайқа қачон боришини хабар қилади. Электрон-ҳисоблаш машинаси қайси автобус ўзидати пассажирлар вақтини олматган ҳолда «бўртмачи»нинг уйига бора олишини ҳисоблаб беради. Ҳайдовчига бу ҳақда радио орқали хабар қилинади. Автобус «бўртмачи» уйига йўл олади.

ЭНГ БИРИНЧИ ГИЛДИРАК

Гилдирак биринчи бор қачон, қайси даҳо томонидан яратилганнинг умуман аниқлаш мумкин эмас. Лекин, ҳар ҳолда бизгача етиб келган энг қадимий гилдиракнинг ёши аниқланган. Мазкур гилдирак ишланганга тахминан 5800 йил бўлган. Радио актив анализ бун аниқлаб берди. Бу обидий гилдирак Болгарияда топишган.

РЕДАКТОР А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697.

Р — 14535